

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳудудий, туман (шаҳар) бўлинмалари, ЎзФА бирлашган ташкилоти ҳисобот-сайлов конференцияларига делегатлар сони, уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари сон таркиби юзасидан

ТАВСИЯЛАР

Ҳисобот-сайловлар конференциялари, қурултой ишчанлик руҳида, юқори савияда, ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши касаба уюшмаси ташкилотларига қуйидагиларни тавсия этади:

1. Конференцияларга вакиллик нормасини белгилашда қуйидаги меъёрларга амал қилишни:

а) касаба уюшмаси туман (шаҳар) бўлинмалари, ЎзФА бирлашган ташкилоти конференцияларига:

■ **Ҳар 100** нафар касаба уюшмаси аъзоларидан **-1** нафар делегат (жами **100** нафаргача);

б) касаба уюшмаси ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар) ташкилотлари конференцияларига:

■ **Ҳар 2000** нафар касаба уюшмаси аъзоларидан **-1** нафар делегат;

2. Сайлаб қўйиладиган касаба уюшмалари органларининг сон таркибини белгилашда қуйидаги меъёрларга амал қилишни:

Касаба уюшмаси туман (шаҳар) бўлинмалари, ЎзФА бирлашган ташкилоти учун:

■ **10** минг нафардан ортиқ касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирганларида **-35** нафаргача туман (шаҳар) бўлинма кенгаши аъзоси ва **9** нафаргача кенгаш Ижроия қўмитаси аъзоси;

■ **6-10** минг нафаргача касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирганларида **-25** нафаргача туман (шаҳар) бўлинма кенгаши аъзоси ва **7** нафаргача кенгаш Ижроия қўмитаси аъзоси.

■ **3-6** минг нафаргача касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирганларида **-19** нафаргача туман (шаҳар) бўлинма кенгаши аъзоси ва **5** нафаргача кенгаш Ижроия қўмитаси аъзоси.

■ **3** минг нафаргача касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирганларида **-17** нафаргача туман (шаҳар) бўлинма кенгаши аъзоси ва **5** нафаргача кенгаш Ижроия қўмитаси аъзоси.

3. Касаба уюшма аъзолари сонидан келиб чиқиб, тафтиш комиссияларини тегишли равишда 3-5 кишидан иборат этиб сайлаш тавсия қилинади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг 2024 йил 27 декабрь 15-6-сонли қарорига 2-илова

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги ташкилотларда ҳисобот-сайлов юзасидан қўмита Мажлиси, Пленум чақириш муддатлари бўйича **ТАВСИЯЛАРИ**

Ҳисобот-сайлов умумий йиғилиши, конференциясини чақириш бўйича:

-ташкилотчи, цех, бошланғич касаба уюшма қўмитаси йиғилишини 2025 йил январь ойининг биринчи ярмида;

-касаба уюшмаси туман (шаҳар) бўлинмаси кенгашлари, Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган қўмитаси Мажлиси (Пленуми)ни 2025 йил январь ойининг иккинчи ўн кунлигида;

-касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар Раислар кенгашлари Мажлисларини, Тошкент шаҳар бўлинмаси кенгаши Мажлиси (Пленуми)ни 2025 йил март ойининг иккинчи ярмида.